

2020

HUMAN RIGHTS AND OBLIGATIONS IN BURHANIDDIN AL-MARGINANI'S WORK "AL-HIDAYA"

Boburmirzo Botirov

INTERNATIONAL ISLAMIC ACADEMY OF UZBEKISTAN, Doctor of philosophy Phd of the The Department of Islamic Studies and Chair for the Study of Islamic Civilization ICESCO, b.botirov@iiu.uz

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/iiu>



Part of the [Other Education Commons](#)

Recommended Citation

Botirov, Boburmirzo (2020) "HUMAN RIGHTS AND OBLIGATIONS IN BURHANIDDIN AL-MARGINANI'S WORK "AL-HIDAYA"; *The Light of Islam*: Vol. 2020 : Iss. 4 , Article 5.

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/iiu/vol2020/iss4/5>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in The Light of Islam by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact sh.erkinov@edu.uz.

БУРҲОНИДДИН МАРҒИНОНИЙНИНГ “АЛ-ҲИДОЯ” АСАРИДА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

ПРАВА И ОБЯЗАННОСТИ ЧЕЛОВЕКА В СОЧИНЕНИИ БУРХАНИДДИНА АЛ- МАРГИНАНИ “АЛЬ-ХИДАЯ”

HUMAN RIGHTS AND OBLIGATIONS IN BURHANIDDIN AL-MARGINANI'S WORK “AL-HIDAYA”

Boburmirzo BOTIROV,
INTERNATIONAL ISLAMIC ACADEMY OF UZBEKISTAN,
Doctor of philosophy Phd of the
The Department of Islamic
Studies and Chair for the Study of
Islamic Civilization ICESCO
b.botirov@iiu.uz
11, A.Kadiri, Tashkent, 100011, Uzbekistan.

АННОТАЦИЯ: Жаҳон илм-фани учун Мовароуннаҳрда фаолият олиб борган олимлар, хусусан, фақиҳларнинг меросини ҳам ўрганиш муҳим аҳамиятга эга. Чунки, мовароуннаҳрлик фақиҳлар ислом оламининг барча минтақаларида ҳам эътироф этилган. Улар томонидан ёзилган фикҳий асарлар эса ҳозирги вақтда ҳам илмий даргоҳларда ислом фикҳи бўйича дарслик вазифасини ўтамоқда. Бу Мовароуннаҳрда фикҳ илмининг юзага келиши, ривожланиш босқичлари, йўналишлари, ўзига хос жиҳатлари ва анъаналарини ўрганишга жиддий ёндашиш кераклигини кўрсатмоқда. Бугунги кунда ислом дини ва унинг асосий қисми бўлмиш фикҳ Ислом ҳуқуқшунослигини давр талабларини назарда тутган ҳолда ўрганиш ва уни ўзлаштириб, амалий ҳаётда ундан фойдаланиш бир заруратга айланди.

Ушбу мақолада Бурҳониддин Марғинонийнинг “Ал-Ҳидоя” асарида ғоялар ва тавсияларни тадқиқ қилиш, ундаги мулкрий муносабатларни тартибга солишга оид кўрсатмаларни таҳлил этиш натижасида, мулкнинг муомаласи бўлиши, айниқса, омонат сақлашда ўзига хос қоидалар назарда тутилганлиги ҳақида маълумотлар келтирилган. Юқ топширувчининг омонат сақловчига ишончини “Ҳидоя”да ҳуқуқий муносабатларда ҳам кўриш мумкин. Фақат ўша давр нуқтаи назаридан, ушбу муносабатлар соддарок кўринишда тартибга солинган. Шунингдек, балоғат ёшига етмаган, ақли заиф ва кулларнинг субъект сифатида ҳуқуқий ҳолати ҳақида ҳам алоҳида таъкидлаб ўтилган.

Бугунги мураккаб даврда жамият тараққиётига ҳаттали бўлган экстремистик оқимлар ва фундаменталистлар ислом динининг моҳият ва мазмуни ҳамда олий

инсоний меъёрларини бузиб талқин қилиб, афсуски, ундан ўз тубан мақсадлари йўлида фойдаланишмоқда. Ҳозирги даврда ислом таълимотининг туб моҳияти, унинг тинчликсеварлик ва инсонпарварлик мақсадларга қаратилган ғояларини тўғри талқин этиш, фикҳнинг амалий ҳаёт билан чамбарчас боғланган бир ҳуқуқий тизим эканлигини кўрсатиш нечоғли илмий ва амалий аҳамиятга эга эканлигини кўрсатиб бериш долзарб аҳамиятга эга. Умуман олганда, Бурҳониддин Марғиноний ёзган тўрт жилдлик “Ҳидоя” китоби суннийлик оқимида ханафий мазҳаби бўйича бир муҳим ва мукамал ҳуқуқий кодекс сифатида 55 дан ортик китоб, юзлаб бобу фаслдан таркиб топган бўлиб, ислом ҳуқуқининг барча соҳаларини қамраб олади.

Калит сўзлар: *фатволар, мазҳаблар, васий, даъво, омонат, фикҳ, афсона, қиёсий, “Ҳидоя”, ханафий, беқиёс.*

АННОТАЦИЯ: Изучение жизни и творчества ученых, в частности наследия ученых-факихов Мавераннахра, имеющих большой авторитет во всех регионах исламского мира приобретает все большее значение и в международном аспекте. Написанные ими труды по правоведению до сих пор служат учебниками по исламскому праву в научных школах. Это доказывает важность и актуальность изучения истории возникновения юриспруденции в Мавераннахре, этапов и особенностей ее развития. Сегодня стало необходимо изучение исламской юриспруденции в соответствии с требованиями времени и применение ее на практике. В статье представлены информация об изучении идей и рекомендаций в работе Бурханиддина ал-Маргинани «Аль-Хидая» и анализ руководящих принципов регулирования отношений собственности, которые предусматривают конкретные правила обращения с собственностью. Особое внимание уделяется правовому статусу несовершеннолетних, умственно отсталых и рабов как субъектов.

Экстремистские течения и фундаменталисты, которые угрожают развитию общества в сегодняшнем сложном мире, искажают сущность и содержание ислама и пытаются использовать его в своих гнусных целях. Поэтому особенно актуальным и важным является правильное истолкование подлинной сущности ислама, его основных принципов, а также миротворческих и гуманистических идей. Также приобретает научное и практическое значение изучение фикха как системы тесно связанной с практической жизнью.

В целом, четырехтомная книга «ал-Хидая», написанная Бурханиддином ал-Маргинани как важный и совершенный правовой кодекс ханафитской школы суннитского толка, состоящая из более чем 55 книг, сотен глав, охватывает все области исламского права.

Ключевые слова: *фетвы, секты, хранитель, претензия, омонат, фикх, миф, сравнительное, ал-Хидая, ханафитское, несравненное.*

ABSTRACT: The study of the life and work of scientists, in particular, the heritage of scholars-faqih of Maverrannahr, who have great authority in all regions of the

Islamic world, is becoming increasingly important in the world aspect. Their works on jurisprudence still serve as textbooks on Islamic law. This fact proves the importance and relevance of studying the history of origin, stages of development, and distinctive features of jurisprudence in Maverannahr. The article provides information on the study of ideas and recommendations in the book of Burkhaniddin al-Marginani al-Hidaya and analysis of the guidelines for the regulation of property relations, which provide specific rules for the treatment of the property. Particular attention is paid to the legal status of minors, mentally retarded, and slaves as subjects.

In today's complex world extremist movements and fundamentalists that threaten the development of society in today's complex world distort the essence and content of Islam and try to use it for their nefarious purposes. Therefore, the correct interpretation of the true essence of Islam, its basic principles, as well as peacekeeping and humanistic ideas is especially relevant and important. The study of fiqh as a system closely related to practical life also acquires scientific and practical significance.

The four-volume al-Hidaya, written by Burhanuddin al-Marginani, is an important and comprehensive legal code for the Hanafi school of thought in the Sunni school. It consists of more than 55 books, hundreds of chapters and covers all areas of Islamic law.

Keywords: *fatwas, sects, guardian, claim, omonat, fiqh, myth, comparative, al-Hidaya, Hanafi, incomparable.*

КИРИШ

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, ўз миллий ва диний қадриятларини тўла ўрганиш имкониятига эга бўлди. Мустақиллик йилларида Ўзбекистон миқёсида маънавий меросни ўрганиш соҳасида эътиборга молик ишлар қилинди. Имом Бухорий, Имом Термизий, Аҳмад Фарғоний, Абу Мансур Мотуридий, Бурхонуддин Марғинович, Абу Баракот Насафий, Абу Муин Насафий каби нафақат ислом оламида, балки бутун дунёда шуҳрат қозонган буюк алломаларнинг ҳаёти ва ижодларини ўргана бошлади. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президент Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йилда амалга оширилган асосий ишлар якуни ва Ўзбекистон Республикасини 2018 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг устувор йўналишларига бағишланган йиғилиш нутқида: “Ҳозирги кунда Ўзбекистонимизнинг китоб фондларида 100 мингдан зиёд ноёб қўлёзма асарлар сақланмоқда. Афсуски, бу нодир китоблар ҳали тўлиқ ўрганилмаган, улар олимлар ва ўз ўқувчиларини кутиб турибди... Биз жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш кераклиги ҳақида кўп гапиримиз. Бу тўғри, албатта. Лекин маърифат, маърифий билимлар қаерда – аввало, ота-боболаримиз бизга қолдириб кетган мана шундай мўътабар китобларда эмасми?...” деган сўзлари ҳам бежизга айтилмаган.

Шунингдек, Президентимиз “Ўтмишдаги алломаларнинг бебаҳо мероси қанчадан-қанча авлодларнинг маънавий-руҳий онгини ва турмуш тарзини шакллантирган эди ва у ҳамон таъсир кўрсатмоқда”, — деб таъкидлаган (Mirziyoyev, 2016).

Шу ўринда айтиш керак, ислом тарихи ва манбашунослиги соҳасида кўплаб тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Бу борада З.Ислотов [Islomov Z., 189,197], А.Хасанов [Khasanov A., 132], С.Агзамходжаев [Agzamxodjayev S., 27-28], Г.Фузаилова [Fuzailova G., 138-144], Р.Матибаева [Matibaeva R., 71-74,28], Н.Мухамедов [Mukhamedov N., 205, 75, 119], Н.Насруллаев [Nasrullayev N., 359-364], Т.Хатамов [Khatamov T., 72-75, 128-132], Ғаниев А., Умаралиев С. [Ganiyev A., & Umaraliev S.: 442], Ш.Тоختиев [Toxtiev Sh., с.287] и З.Зинатуллаев [Zinatullayev Z., 155, 10, 17] каби олим ва тадқиқотчилар томонидан қатор илмий изланишлар олиб борилмоқда.

Буюк шахслар ҳақида халқ орасида доимо тарихий фактлар билан бир қаторда турли ривоятлар, қарашлар ва афсоналар кенг тарқалади. Бундай маълумотларнинг қанчалик кенг миқёси ва кўп бўлиши мазкур кишининг шунчалик машҳурлигидан дарак беради. Аммо инсон ақлини ҳайратга солувчи бу каби ривоятлар остида ўзига хос тарихий ҳақиқат ҳам ётади.

Бурхониддин Марғинович номи билан шуҳрат қозонган Абул Ҳасан Али ибн Абу Бакр ал-Фарғоний ар-Риштоний ал-Марғинович ана шундай – фақиҳлар томонидан эътироф этилган, халқ орасида машҳур олимлардан бири ҳисобланади. Олим “ал-Ҳидоя” асарини ёзиш билан ҳанафий фикҳи тараққиётига беқиёс ҳиссасини қўшди. Бу китобнинг ёзилиши Бурхониддин Марғиновичнинг нафақат фикҳни яхши биладиган, балки унинг кўп илм соҳаларини қамраб олган қомусий олим эканидан дарак беради. Чунки у мазкур асаридан мусулмон оламида машҳур олимлар, хусусан ҳанафий ва минтақада фаолият юритган фақиҳлар чиқарган фатволарни қиёсий ўрганиб, улардан ҳақиқатга яқинроқ ва амалда кўпроқ қўлланадиганларини ажратиб кўрсатиб берди.

Олим Фарғона диёрида туғилиб вояга етган бўлса-да, она юрти илмий салоҳиятини янада юксалтириш учун ўша даврнинг илмий марказларидан бўлган Самарқанд шаҳрида ўз таҳсилини давом эттирди. Бунда у кўплаб олимлар билан учрашди, илмий мунозараларда қатнашди.

УСЛУБЛАР

VIII-XII асрларда бутун ислом ҳуқуқшунослигининг сунна мактаби мазҳаблари, шунингдек,

Мовароуннаҳрда пайдо бўлган ва таракқий этган ҳуқуқ мактабларида яратилган ҳуқуқий таълимотларнинг асосий ғоялари, шубҳасиз, 2000 йилда таваллудининг 910 йиллиги кенг миқёсда нишонланган Мовароуннаҳр ҳуқуқ мактабининг намоёндаси, буюк фақиҳ олим Бурхониддин Марғинонийнинг “Ал-ҳидоя фил фуруъ ил-фикҳ” (“Ҳуқуқ тармоқлари бўйича қўлланма”) асарида ўз аксини топди ва нафақат ўрта асрлар ўрта Осиёда, балки ҳозирги кунларга қадар ҳам ислом ҳуқуқининг сунна мактаби ҳукмронлик қиладиган мусулмон мамлакатларининг ўқув юртларида ҳуқуқдан асосий дарслик қўлланмага айланди. Бурхониддин Марғинонийнинг мазкур асари ҳуқуқшунослик билан бир вақтда мусулмонлар маънавий маданиятини шакллантиришда асрлар давомида юксак нуфузга эга бўлди.

Бурхониддин Марғинонийнинг илмий мероси шу қадар шухрат қозондики, унинг “ал-Ҳидоя” асари кейинчалик шарҳланиб, унга мухтасарлар ёзилди ва бу бирламчи манба мадрасаларда ҳанафий фикҳи бўйича ўқитиладиган асосий дарсликка айланди. Олим томонидан фикҳга оид ёзилган “Бидоёт-ал-мубтадий” (“Қонунни ўрганишга кириш”), “Кифоят ул-Мунтаҳий” (“Яқунловчилар учун тугал таълимот”) китоблари унинг шоҳ асари “ал-Ҳидоя”га асос бўлди (Боймирзаев Р., 2016). Мазкур китоб нафақат Мовароуннаҳрда, балки бутун ислом Шарқида бир неча тилларга таржима этилиб, маълум ва машҳур бўлиб кетди. Ундан асрлар давомида ислом ҳуқуқшунослиги бўйича қўлланма сифатида фойдаланилган (Бурхониддин Марғиноний. Ҳидоя. 2-жилд, 1905).

Марғиноний “Ҳидоя” асарини ёзишда яна бир жиҳати бор эдики, яъни фақиҳ олдида турли муаллифлар томонидан турли асрларда ёзилган кўп сонли фатволар, яъни ҳуқуқий мажмуалар тоғдек бўлиб турарди. Уларда минглаб масалалар, айрим муайян муаммолар бўйича ўнлаб мулоҳазалар, ҳатто, бир-бирига қарши назариялар мавжуд эди. Муаллиф назарда тутган ҳуқуқий масалани ёритиш учун, биринчидан, шариатнинг асосий манбалари, ундан кейин Абу Ҳанифа, Имом Молик, Имом Шофеъий, Имом Аҳмаднинг асарлари билан бир қаторда энг нуфузли ислом ҳуқуқшуносларининг мўътабар асарларига суянди.

Марғинонийнинг “Ҳидоя” асарида солиқ ҳақида чиқарган ҳукмлари реал ҳаёт шароитларига мослашганлиги, инсонпарварлик ғояларига таянганлиги туфайли ҳам бир неча асрлар давомида мусулмон мамлакатларида ушбу масала бўйича асосий ҳуқуқий қўлланма сифатида фойдаланилган, ҳатто, маълум даражада ҳозирги даврда ҳам айрим ҳолларда қўлланилиб келмоқда.

Марғиноний ҳукмича, айрим ҳолларда олинадиган закот давлат томонидан тайин қилинган мутасаддилар томонидан солиқ сифатида давлат хазинасига ўтказилиши мумкин. Бундай мутасаддиларни Марғиноний “ушр олувчилар” деб атади: “Ушр олувчи” деб “подшоҳ тижоратчилардан садақаларни (шариат вожиб қилган закот ва бошқа тўловларни) олиш ҳамда эвазига уларни қароқчилардан ҳимоя қилиш учун тайин қилинган кишига айтилади” (Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, 2011).

Олимнинг фикрича, адолатлик мойили шундаки, закот ва бошқа тўловларнинг солиқ сифатида ундирилишига сабаб – тижоратчиларнинг тинч-омонлигини таъминлаш учун подшоҳлик томонидан ажратилган моддий куч ва маблағнинг сарфларини қоплаш учундир.

Марғиноний фикрича, шунингдек, чорва молларидан олинадиган солиқ ҳам подшоҳлик хазинасига берилиши керак. Бу ерда чорва молларидан олинадиган закот-солиқ подшоҳлик ҳақи деб ҳукм чиқарилишига сабаб – чорва боқиладиган яйловларга бирон-бир кишининг эга бўлмаганлиги, улар подшоҳлик тасарруфида бўлганлигидадир. Демак, бу ерда закот солиқ маъносида келади. Иккинчи томондан шуни ҳам таъкидлаш мумкинки, Марғиноний ушбу солиқдан келадиган маблағ подшоҳнинг шахсий хазинасини бойитиш учун эмас, балки давлатнинг ижтимоий-иқтисодий эҳтиёжини қондириш учун зарур бўлган давлат хазинаси фойдасига олинишини назарда тутмоқда. “Подшоҳ” эмас, “подшоҳлик” атамасининг қўлланилиши шундан далолат беради (Т. I., 1999).

Марғинонийнинг солиқ тизимига кирувчи тўлов шаклларида бўлган экин ерлари ҳосилидан олинадиган ушр ҳамда тижорат ва бошқа мулк шаклларида олинадиган хирож ҳақидаги ҳукм ва фикр-мулоҳазалари ҳам адолатпарварлик ғоялари ўз ифодасини топган.

Шариат бўйича фуқаролик ҳуқуқий муносабатлари (муомалот) батафсил тартибга солинади. Фуқаролик ҳуқуқий муносабатларининг субъекти жисмоний шахслар бўлиши мумкин. Шариат юридик шахсларнинг ҳуқуқий ҳолатини алоҳида тарзда кўриб чиқмайди. Жисмоний шахслар томонидан қилинган фуқаролик – ҳуқуқий ҳаракат қонуний (ҳалол) ва йўл қўйилган (жоиз) ёки қонунсиз, йўл қўйилмаган (ҳаром) бўлиши мумкин.

Ҳаракат, шунингдек, шариат нуқтаи назаридан мақтовга лойик (мустаҳиб) ва танбеҳли (макруҳ), мажбурий ва мажбурий бўлмаган каби турларга бўлинади. Жисмоний шахсларнинг лаёқатлигига жинси, табақаси, мулкӣ аҳволи, айниқса эътиқоди таъсир этади. Тўлиқ даражадаги ҳуқуқ лаёқатига ва

муомала лаёқатига мулкдор мусулмон эркак кишилар, ҳукмрон табақа вакиллари эга бўлган. Ҳуқуқий лаёқат туғилишдан бошлаб, мерос масалаларида эса туғилмасдан ҳам аввал вужудга келган ва ўлим билан ёки бедарак йўқолиш билан тугаган. Ёш болалар, 15 ёшга тўлмаган вояга етмаганлар, шунингдек, руҳий касаллар ва ақли заифлар муомала лаёқатига эга эмас, деб ҳисобланган.

“Ҳидоя”да ёзилишича, муомала лаёқати эркакларда ўн саккиз ёшдан, аёлларда эса ўн етти ёш деб саналади. Айтиш жоизки, мусулмон ҳуқуқига кўра, муомала лаёқати ва жинсий етуклик бир хил маъно касб этади. Абу Ҳанифанинг шогирдлари наздларида, аёл ва эркак муомала лаёқатига ўн беш ёшида эга бўладилар. Абу Ҳанифага кўра, эса, эркаклар ўн тўққиз ёшда муомала лаёқатига эга бўладилар. Айтиш жоизки, агар эркак ва аёл ўзини муомалага лаёқатли ва балоғат ёшига етган, деб эълон қилса, уларни гапларига ишониш даркор. Ва албатта, улар муомала лаёқатига эга шахслар сифатида, умумий қонун қоидаларга риоя этишлари мумкин бўлади (Еремов Д.М., 1991).

Кўриб турганимиздек, мулк ҳуқуқи субъектларининг ҳуқуқ ва муомала лаёқатида бир қанча ўхшаш тарафлари ҳам мавжуд. Масалан, субъектларнинг ҳуқуқ лаёқати туғилганидан пайдо бўлиши, ёки, мерос ҳуқуқи боланинг туғилмасидан вужудга келиши бизнинг миллий қонунчилигимизда ҳам акс этган. Аммо, эркак ва аёлларнинг муомала лаёқатига эга бўлиш ёши ҳақида бир қанча фақиҳларнинг фикри ҳар хил бўлсада, умумий тўхтамга келганда, ўн саккиз ёш сифатида қабул қилинган.

НАТИЖА

Айтиш жоизки, “Ҳидоя”да, балоғат ёшига етмаган, ақли заиф ва қулларнинг субъект сифатида ҳуқуқий ҳолати ҳақида алоҳида китоб ажратилган бўлиб, “Китоб ул-Ҳажр” деб номланган. Ушбу китобда ёзилишича, муомала лаёқати чекланганлар қаторига: вояга етмаган шахслар, қуллар ва ақли заифлар кирганлар. Вояга етмаган шахсларнинг мулкӣ муносабатларга кириши учун, уларга васий бўлган шахснинг розилиги керак бўлади ва шундагина уларнинг ҳуқуқий ҳаракатлари қонуний деб эътироф этилади. Қулларни мулкӣ муносабатларга киришиши учун, уларнинг хўжайинларини розилиги керак бўлган. Ақли заифларнинг ҳар қандай муносабатда иштирок этиши ноқонуний саналган.

Ислом ҳуқуқшунослигида ҳомийлар уч гуруҳдан бирига мансуб бўладилар:

1) табиий ҳомийлар, улар қариндошлиги жиҳатидан валийлар дейилиб, уларга ота ва бобо қиради;

2) васиятга кўра тайинланган ҳомийлар, яъни васийлар;

3) ҳуқумат томонидан тайинланган ҳомийлар, яъни қайюмлар.

Ота ва бободан иборат табиий ҳомийлар ҳеч ким томонидан тайинланмайдилар ва ҳомий деб тасдиқланмайдилар. Уларга бундай тавсиянинг кераги йўқ. Улар ўз фарзандларига оталиклари сабабли ҳомийлик қилишга тўра ҳақлидирлар (Волтерс Клувер, 2008).

Васият орқали тайинланиш ҳуқуқидан фақат ота ва боболар фойдаланишлари мумкин. Абу Ҳанифанинг фикрига кўра, ота ва бободан ташқари, яқин қариндошлар ҳам вояга етмаган болалар учун васият орқали ҳомий тайинлаш ҳуқуқига эгадирлар. Шиа оқими намоёндаларининг фикрига кўра, васият орқали ҳомий тайинлаш ҳуқуқидан фақат ота боболар фойдаланиб, бошқа қариндошлар, ҳатто, она ҳам бу ҳуқуқдан маҳрум. Истисно тариқасида, она бирор инсоннинг ўз болаларига васият орқали ҳомий қилиб тайинланган тақдирда, мазкур ҳомий болаларга қолдирилган мол-мулкнинг фақат 3/1 қисмини тассаруф этиши мумкин (Yusupova N., 2018).

МУҲОКАМА

Балоғатга етмаган болаларга ғамхўрлик қиладиган валийлари бўлмаган ҳолатларда ҳоким уларга ҳомийлик қилиш учун қайюм тайинлайди. “Ҳидоя”да ёзилишича, вояга етмаган шахслар ёки қуллар олди - сотди муносабатларига киришган бўлсалар ва бирон бир нарса харид қилмоқчи ёки сотмоқчи бўлсалар, бундай ҳолларда васий ёки ҳомийнинг розилиги талаб қилинади. Бу ерда ёзилишича, васий ўз қармоғида бўлган шахснинг мулкӣ ҳуқуқларини ҳимоя қилган ҳолда, унга ҳар томонлама фойдали бўладиган муносабатларга розилик бериши даркор бўлган. Ва албатта, ушбу муносабатларнинг мазмун моҳиятини вояга етмаган шахсга тушунтириши керак бўлган. Кўриб турганимиздек, ҳар қандай ҳолатда ҳам, мулкдор ким бўлишидан қатъи назар, хоҳ вояга етмаган шахс бўлсин, хоҳ ақли заиф, уларнинг мулк ҳуқуқлари шариат томонидан ҳар доим ҳимоя қилиб келинган.

“Ҳидоя”да ёзилишича, мусулмонларга тегишли мулкларнинг кўчар (манкул) ва кўчмас (ғайриманкул) турлари ажратилади. Кўчар мулкларга бир жойдан иккинчи жойга кўчиши осон бўлган ҳамда тортиш ва ўлчаш орқали аниқлаш мумкин бўлган мулклар киритилади. Ҳанафий мазҳаби фақиҳлари бир жойдан иккинчи жойга кўчириб бўлмайдиган, кўчириш билан ўз хусусиятини йўқотадиган нарсаларни кўчмас мулклар сирасига киритганлар.

Ерга ишлов беришда ишлатиладиган барча махсус нарсаларни ҳам кўчмас мулклар сирасига киритганлар (Yusupova N., 2018).

Д.М.Караходжаеванинг таъкидлашича, “мусулмон ҳуқуқида ашёларнинг мансублигини тартибга солиш масаласи узоқ муддат кўриб чиқилмаган. Бу ҳолат кўп жиҳатдан мусулмон ҳуқуқи доктринасида мулк категорияси диний ақидалар ва қоидалар асосида таҳлил қилингани билан боғлиқ. Бирок, бу мусулмон ҳуқуқида кўчмас мулк институти мавжуд бўлмаган, деган хулосага келиш учун асос бўлмайди”.

ТАҲЛИЛ

Таъкидлаш лозимки, Қуръони Карим кўчмас ва кўчар мулк объектлари ҳимоясининг кафолатларини белгилаган. Унда айтилишича, “дарҳақиқат, сизнинг қонингиз, сизнинг мулкингиз ва сизнинг шаънингиз - макруҳдир”. Шунга ўхшаш бўлган тамойиллар кўплаб ҳуқуқшуносларнинг асосларида ҳам келтирилган: “бошқа шахснинг мулкни тасарруф этишни назарда тутувчи буйруқ ҳақиқий эмасдир”, “ҳеч ким мулкдорнинг руҳсатисиз унинг мулкни тасарруф этиши мумкин эмас”, “ҳеч ким ҳуқуқий асосларсиз ўзганинг мол-мулкни эгаллаб олиши мумкин эмас” (Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси, 2007). “Ҳидоя” га кўра, даъвогар шахс сифатида фақатгина мулкдор қатнашиши мумкин бўлган. Даъвогар – бу шундай шахски, агар у ўз ихтиёрига кўра, даъводан воз кечса, уни мажбурлаш орқали ўз аҳдидан қайтариш мумкин эмас. Жавобгар эса, даъволашувдан қочмоқ истагида бўлса, уни бу ишга мажбурлаш йўли билан қайтарилади. Имом Муҳаммаднинг таъкидлашича, жавобгар барча нарсани инкор қилувчи шахсдир. Ҳеч қандай даъво даъво предмети аниқ бўлмаган ҳолларда қабул қилинмайди. Чунки, даъвонинг мақсади келтирилган далилларга қараб, жавобгар учун мажбурий бўлган қозининг ҳукмини эшитишдир. Агар даъво ҳақиқий бўлса, у ҳолда, жавобгарнинг ҳозир бўлиши мажбурийдир. Бундан ташқари, жавобгар ўзига қаратилган даъвога нисбатан жавоб айтиши керак. Даъво предмети қозининг ҳузурига олиб келиш имконияти бўлмаса, унинг қиймати аниқланиши лозим. Агар даъво предмети ер майдони бўлса, у ҳолда, ернинг чегарасини кўрсатиш лозим. Қарзни ундириш тўғрисидаги даъволарда, даъвогар томонидан: “Мен уни талаб қиламан” – деган гапнинг ўзи кифоядир. Аммо, қарзнинг қийматини, дирҳамда ёки динорда берилганлигини ва тилла ёки кумушлигини ҳам аниқлаш лозимдир. Агар бирор киши: “Фалончидан олган қарзимни тезда тўлайман”, деб қасам ичган бўлса, бир ойгача бўлган муддатни,

борди-ю у: “Фалончидан олган қарзимни вақти билан тўлайман”, деб айтган бўлса, бир ойдан ортиқ муддатни тушуниш керак. Чунки бир ойгача бўлган ҳар қандай вақт оралиғи қисқа муддат, бир ойдан ортиқ вақт оралиғи эса-узоқ муддат ҳисобланади. Даъво ишларини олиб боришда, қасам ичиш ушбу ҳолатнинг бир қисми сифатида амал қилган. Қасам ичиш, қасамёд қилиш, онг ичиш энг аввало юридик аҳамиятга эга. Ислом ҳуқуқи кишидан мажбурлов бўйича эмас, балки ихтиёрий равишда қасам ичишни талаб этади. “Айман”-“қасам” демакдир (Yusupova N., 2018).

Қасамёд келтирган ёки қасам ичган шахс халифа деб, қасам объекти эса –маҳлуфун алайҳ деб аталади. Даъвогардан қасам ичишни талаб қилинмаган. Расулulloҳ (САВ) нинг айтишларича, “далилларни тақдим қилиш талаб қилувчининг зиммасидадур, қасам ичиш эса рад қилувчи тарафнинг зиммасида”. Агар жавобгар қасам ичишдан бош тортса, қози даъвогарнинг даъвосини ижобий ҳал қилади. Чунки жавобгарнинг қасам ичишдан воз кечишига сабаб, бу унинг ёлғон қасамдан қочиши ва айбини тан олиши сифатида қаралади. Аммо, қасам ичишни талаб қилмайдиган қуйидаги ҳолатлар мавжуд: никоҳ муносабатларига таалуқли масалалар, ажрашиш, кулик, жазо ва бошқалар (Yusupova N., 2017).

“Ҳидоя” асарида “қозининг мақоми” деб номланган махсус китоб бўлиб, унда шариат судлари-қозилар, уларнинг бурч ва мажбуриятлари, қозиларга берилган ваколатлар, уларга қўйилган талаблар, ҳукм чиқариш қоидалари каби масалалар ўз ифодасини топган (Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, 2011).

“Ҳидоя” да кўтарилган ушбу масалалар ҳозирги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган деб ўйлаймиз. Судда агар даъвогар, жавобгарга бирор нарсани даъво қилсаю, жавобгар бундан тонса, у ҳолда жавобгар ўзининг жавобгар эмаслигини гувоҳлар орқали исботлаши керак ва бундай ҳолларда жавобгарга ишониш лозим бўлган. Шу ўринда, Ўзбекистон Республикасининг “Судлар тўғрисида” ги қонунининг қуйидаги моддасини келтириб ўтиш мақсадга мувофиқ бўлади. Қонунда, “ғумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи ҳимояланиш ҳуқуқи билан таъминланади. Суд ишларини юритишнинг ҳар қандай босқичида малакали юридик ёрдам олиш ҳуқуқи кафолатланади”, – деб айтилган. Демак, шахснинг ўзини ўзи ҳимоялаш ҳуқуқи асрлар олдин ҳам мавжуд бўлган бўлиб, ҳозирги кунда миллий қонунчилигимизда ҳам ўз ўрнини топган ва аҳамиятини йўқотмаган. (Жабборов С. И., 2001).

ХУЛОСА

Хулоса қилиб шуни алоҳида айтиб ўтиш жоизки, мусулмон фикҳи асосида иш кўрадиган судьялар–қозилар тизими дастлаб Арабистонда вужудга келиб, айниқса Абу Юсуф даврида махсус муассаса сифатида шакллланган.

Шунингдек, мусулмон ҳуқуқий идеологиясига кўра қозилик сўраб ёки илтимос қилиб, югуриб таниш-билишчилик орқали эгалланадиган мансаб эмас, ҳукмдор томонидан шу ишга лойиқ кишини мажбурий тайинлаш натижасида эгалланиши рағбатлидир. Ҳаттоки, Имом Аъзам ибн Ҳанифадан, “Сиз қози бўласизми?” – деб сўраганларида, Имом Аъзам: - Йўқ, - деган жавобни берганлар. Ахир ҳақ йўлида курашувчи, қози ҳукм чиқарувчи, ҳукм белгиловчи, деган номга муносиб бўлиши керак, унинг ҳалқумида ўтмас пичоқ туриши керак, қайси қози биров устидан ноҳақ ҳукм чиқарса, унинг чиқарган ноҳақ ҳукми мусулмонларнинг, Аллоҳнинг ҳукмига ишониш йўлидан қайтаради. Шунинг учун қози жамоа олдида жазолансин, - деган шариат талаблари мавжуд бўлган.

Буни қарангки, Бурҳонуддин Марғинонийнинг фикҳ илмини барча соҳаларини қамраб олган “Ҳидоя” асари, кейинчалик унинг набираси Абулфатҳ Зайнуддин ал-Фарғоний томонидан ёзилган суд маҳкамаларига оид “Ал-Фусул ул Имадия” номли асарига бебаҳо манба сифатида хизмат қилди.

Замонавий цивилистикада мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш ҳам тегишли даъволар орқали амалга оширилиши билан характерланади. Бироқ, бунда мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш усуллари фуқаролик қонунчилиги институтларидан келиб чиқиб турқумланади. “Ҳидоя” эса, мулк ҳуқуқини ҳимоя қилишда ҳар бир ҳолатга нисбатан алоҳида ёндашувдан келиб чиққанлиги билан аҳамиятли ҳисобланади ва бунда кўпроқ имкониятлар ҳуқуқни қўлловчи – қозиларга берилганлиги билан ажралиб туради.

АДАБИЁТЛАР:

1. Мирзиёев Ш. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. –Т.:“Ўзбекистон”, 2016. –Б.39.
2. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси: Ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн биринчи сессиясида 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган (Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 28 декабрдаги, 2003 йил 24 апрелдаги, 2007 йил 11 апрелдаги, 2008 йил 25 декабрдаги қонунларга мувофиқ киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар билан) 134 Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг ахборотномаси. – 2008. – № 12. – 637-модда.

3. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси. Расмий нашр. –Тошкент: Адолат, 2011.
4. Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси. Расмий нашр. – Тошкент: Адолат, 2007.
5. Абдулқодир Ўда. “Ат-Ташрибул-жинойи ал-исломий муқоринан бил-қонунил-вазъий” (Шариатда жиноят қонунларини дунёвий қонунлар билан қиёсий ўрганиш). Ж.1. – Байрут: 1985. – Б.18-22.
6. Агзамходжаев, С. (2006). История Туркестанской автономии (Туркистон мухторияти). –С.27-28.
7. Аль-Бухари. Сахих. Эр-Рияд, 1999. – С.27.
8. Антология мировой правовой мысли: В 5 т. Т. I. Ан-тичность и восточные цивилизации. – М.: 1999. – С. 688.
9. Ахмеджанов У. М. Институт собственности в мусульманском праве. 1963. 13-14 с.
10. Аҳмад Иса Ошур. Ал-фикхул муяссар фил муомалот (Фуқаролик ҳуқуқи бўйича енгил фикҳ). Байрут, 1996. 35-38-б.
11. Бартольд соч. Т-IX-М 1963. С. 532-533.
12. Боймирзаев Р. Мусулмон ҳуқуқи. Маърузалар матни. Ҳуқуқшунослик факультети. 2006.
13. Бурҳониддин Марғиноний. Ҳидоя.2-жилд. Қозон, 1905. 266-б.
14. Бурҳониддин Марғиноний. Ҳидоя.3-жилд. Ижара китоби. Қозон, 1904 (араб тилида).
15. Еремов Д.М. Шариат-исламский кодекс права и морали //Азия и Африка сегодня. 1991. N 7. С. 32.
16. Жабборов С. И. Мусулмон ҳуқуқи ва одат нормалари. Т., 2001. – Б. 82.
17. Ganiyev, A., & Umaraliev, S. THE ROLE OF ZAKAT IN THE EARLY STAGES OF THE ISLAMIC CIVILISATION. EPRA International Journal of Multidisciplinary Research (IJMR), 25.
18. Zinatullayev, Ziyodilla (2019) “Some features of the statemanaging in Central Asia on the eve of Islam,” The Light of Islam: Vol. 2019. P-17.: Iss. 2, Article 3. Available at: <https://uzjournals.edu.uz/iiaw/vol2019/iss2/3>.
19. Ислам: Энциклопедический словарь. М., 1991. С. 262.
20. Исламов З.М. (2019) Исламское образование в Узбекистане: история, современность и перспектива / ИИ Международная научно-богословская конференция «Духовный шелковый путь. Созидание. Интеграция», - Ташкент, 2018, С. 189-197.
21. Islomov, Zohidjon (2019) “THE ROLE OF THE INTERNATIONAL ISLAMIC ACADEMY OF UZBEKISTAN IN THE DEVELOPMENT OF ISLAMIC STUDIES,” The Light of Islam: Vol. 2019 : Iss. 1 , Article Available at: <https://uzjournals.edu.uz/iiaw/vol2019/iss1/1>.
22. Маргинани Бурхануддин. Хидоя. Комментарии мусульманского права. В 2 ч. – М.: Волтерс Клувер, 2008. – 291 с.
23. Матибаева Р. (2019) Редкая рукопись по ханафизму «Манакиб Аби Ханифа» // Молодой ученый. — 2019. — №36. — С. 71-74. <https://moluch.ru/archive/274/62293/>.

24. Mukhamedov Nematullo Asatullaevich. (2020). HUMANIST IDEAS IN WORK MEDIEVAL SCIENTISTS OF THE OASIS OF TASHKENT. Archive of Conferences, 9(1), 205-208. Retrieved from <https://conferencepublication.com/index.php/aoc/article/view/371>
25. Mukhamedov Nematullo (2020) "ACTIVITIES OF HADITH SCHOLARS (MUHADDIS) OF SHASH OASIS IN SCIENTIFIC CENTERS OF THE REGION". The Light of Islam: Vol. 2020 : Iss. 2 , Article 11. Available at: <https://uzjournals.edu.uz/iaau/vol2020/iss2/11>.
26. Ражабова М. Шариатда жиноят ва жазо. Т., 1996. Б. 100 – 117. Қўшимча маълумотлар учун: Бурхониддин Марғинович. Ал-Ҳидоя. Қозон, 1905. Т. 1-2. Б. 860.
27. Раҳманов А.Р. Ислом ҳуқуқида шартнома ва мажбуриятлар ҳамда илмий қонунчилик (қиёсий ҳуқуқий таҳлили): Тарих фанлари доктори. Дис. Автореф. – Тошкент: 2008. 23 б.
28. Раҳмонкулов Ҳ. Эволюция права собственности (проблемы собственности сравнительное исследования). Тошкент: Адолат, 1995. 34 б.
29. Раҳмонкулов Ҳ.Р. Фуқаролик ҳуқуқ объектлари. – Тошкент: ТДЮИ, 2009. – 24 б.
30. Раҳманкулов Х. А., Раҳманов А. Р. Права человека: история и современность. Т., 1998. С. 174.
31. Садагар М.Н. Основы мусульманского права. М.: 1968. С. 45-60.
32. Tokhir Abdumutalovich Khatamov "STATE NATIONAL PROGRAM FOR THE DEVELOPMENT OF SCHOOL EDUCATION FOR 2004–2009 YEARS: (SCIENTIFIC AND HISTORICAL ANALYSIS)" International Scientific Journal Theoretical & Applied Science e-ISSN: 2409-0085 (online) Year: 2019 Issue: 06 Volume: 74 Published: 14.06.2019 <http://T-Science.org><http://t-science.org/архивDOI/2019/06-74/PDF/06-74-12.pdf> -Б. 128-132.
33. Toxtiev, Shuhrat Mr (2020) "Social and cultural life of the shiite communities of Central Asia in the XX-early XXI centuries," The Light of Islam: Vol. 2020: Iss. 2, Article 12. Available at: <https://uzjournals.edu.uz/iaau/vol2020/iss2/12>
34. Турсунова С. Д. Никоҳ бахтли оила кафолатидир // Соғлом авлод учун. 1997. № 9.
35. Ўзбекистон Республикаси конституциясига шарҳ. -Тошкент: "Ўзбекистон" НМИУ, 2008. – 159 б.
36. Ўлмасов А., Шарифхўжаев М. Иқтисодий назария. – Тошкент: Меҳнат. 1995. 133 б.
37. Хусейн Хамид Хассан. Право на частную собственность. Исламабад, 1995. С. 33-34.
38. Шарль Р. Мусульманское право. Пер. с франц. С.И.Волка. Под ред. и о предисл. Е.А.Беляева. – Москва: Изд-во «Иностранная литература», 1959. – С. 6.
39. Эргашев В.Ё. Ўзбекистон Республикасида мулк ҳуқуқининг долзарб муаммолари ва ривожланиш истиқболлари. – Тошкент: ТДЮИ, 2009. – 69 б.
40. Юсуф Қарзовий. (Ал-ҳалалу ва-л-ҳаром фи-л-ислам). Байрут, 1976. Б. 45-48.
41. Khasanov A. Lectures on the history of early Islam. Movarounnahr, Tashkent. 2017. -P. 132. (Хасанов А. Илк ислом тарихидан маърузалар. –Тошкент: Мовароуннаҳр, 2017. – Б. 132.)
42. Yusupova N. The importance of the fiqh works written in the xii century in maverannahr // American journal of Research. Social Science & Humanities. USA, Michigan. 2017. № 4 (4). – P. 66-77. (Impact Factor: 3.571).
43. Yusupova N. Specific features of family relations in islamic law. // Russia and the Moslem World. Moscow.: - 2018. №3. - P. 120-123.
44. Yusupova N. Family and modern youth // Scientific researches for development future. International conference. Oktober, 25, 2018, New York, USA. - P. 117-121.
45. Yusupova N. The role of the family in the spiritual education of modern youth // Science Review. <https://ws-conferens.com/5> (12), Vol. 2, June 2018. - P. 59-63.

REFERENCES

1. A.R.Rahmanov. (2008). Islom huquqida sharnoma va majburiyatlar hamda ilmiy qonunchilik (qiyosiy huquqiy tahlili). Toshkent.
2. Al-Buxari. (1999). Sahih. Ar-Riyod.
3. Агзамходжаев, С. (2006). История Туркестанской автономии (Туркистон мухторияти). –С.27-28.
4. Antologiya mirovoy pravovoy misli: V5 T.I. Antichnost i vostochnie sivilizatsii. (1999). Moskva.
5. Axmedjanov, U. (1963). Institut sobstvennosti v musulmanskom prave.
6. Burxaniddin, M. (2008). Xidoya. Kommentarii musulmanskogo prava. Moskva.
7. D.M.Yermetov. (1991). Shariat-islamskiy kodeks prava v morali // Aziya i Afrika segodnya.
8. Ergashev, V. (2009). O'zbekiston Respublikasida mulk huquqining dolzarb muammolari va rivojlanish istiqbollari. Toshkent: TDYI.
9. H.R.Rahmonqulov. (2009). Fuqarolik huquq obyektleri. Toshkent: TDYI.
10. H.Rahmonqulov. (1995). Evolutsiya prava sobstvennosti (problemi sobstvennosti sravniteknoye issledovaniya). Toshkent.
11. Islam: Ensiklopedicheskiy slovar. (1991). Moskva.
12. Ganiyev, A., & Umaraliev, S. THE ROLE OF ZAKAT IN THE EARLY STAGES OF THE ISLAMIC CIVILISATION. EPRA International Journal of Multidisciplinary Research (IJMR), 25.
13. Zinatullayev, Ziyodilla (2019) "Some features of the statemanaging in Central Asia on the eve of Islam," The Light of Islam: Vol. 2019. P-17.: Iss. 2, Article 3. Available at: <https://uzjournals.edu.uz/iaau/vol2019/iss2/3>.
14. M.N.Sadagar. (1968). Osnovi musulmanskogo prava. Moskva.
15. M.Rajabova. (1996). Shariatda jinoyat va jazo. Toshkent.
16. Исламов З.М. (2019) Исламское образование в Узбекистане: история, современность и перспектива / ИИ

- Международная научно-богословская конференция «Духовный шелковый путь. Созидание. Интеграция», - Ташкент, 2018, С. 189-197.
17. Isломov, Zohidjon (2019) "THE ROLE OF THE INTERNATIONAL ISLAMIC ACADEMY OF UZBEKISTAN IN THE DEVELOPMENT OF ISLAMIC STUDIES," The Light of Islam: Vol. 2019 : Iss. 1 , Article Available at: <https://uzjournals.edu.uz/iiiau/vol2019/iss1/1>.
 18. Маргинани Бурхануддин. Хидоя. Комментарии мусульманского права. В 2 ч. – М.: Волтерс Клувер, 2008. – 291 с.
 19. Матибаева Р. (2019) Редкая рукопись по ханафизму «Манакиб Аби Ханифа» // Молодой ученый. — 2019. — №36. — С. 71-74. <https://moluch.ru/archive/274/62293/>.
 20. Mukhamedov Nematullo Asatullaevich. (2020). HUMANIST IDEAS IN WORK MEDIEVAL SCIENTISTS OF THE OASIS OF TASHKENT. Archive of Conferences, 9(1), 205-208. Retrieved from <https://conferencepublication.com/index.php/aoc/article/view/371>
 21. Mukhamedov Nematullo (2020) "ACTIVITIES OF HADITH SCHOLARS (MUHADDIS) OF SHASH OASIS IN SCIENTIFIC CENTERS OF THE REGION". The Light of Islam: Vol. 2020 : Iss. 2 , Article 11. Available at: <https://uzjournals.edu.uz/iiiau/vol2020/iss2/11>.
 22. Marg'iloniy, B. (1905). Hidoya 2-jild. Qozon.
 23. Marg'iloniy, B. (1904-yil). Hidoya 3-jild. Ijara kitobi. Qozon.
 24. Mirziyoyev, Sh. M. (2016). "Erkin va farovon, demokratik O'zbekiston davlatini birgalikda barpo etamiz". O'zbekiston.
 25. Tokhir Abdumutalovich Khatamov "STATE NATIONAL PROGRAM FOR THE DEVELOPMENT OF SCHOOL EDUCATION FOR 2004–2009 YEARS: (SCIENTIFIC AND HISTORICAL ANALYSIS)" International Scientific Journal Theoretical & Applied Science e-ISSN: 2409-0085 (online) Year: 2019 Issue: 06 Volume: 74 Published: 14.06.2019 <http://T-Science.org><http://t-science.org/axivDOI/2019/06-74/PDF/06-74-12.pdf> -Б. 128-132.
 26. Toxtiev, Shuhrat Mr (2020) "Social and cultural life of the shiite communities of Central Asia in the XX-early XXI centuries," The Light of Islam: Vol. 2020: Iss. 2, Article 12. Available at: <https://uzjournals.edu.uz/iiiau/vol2020/iss2/12>
 27. N.Yusupova. (June 2018). Science Review. <https://wsconferens.com> / 5 (12), Vol. 2. The role of the family in the spiritual education of modern youth, (стр. 59-63.).
 28. N.Yusupova. (October, 25, 2018.). Scientific researches for development future. Family and modern youth, (стр. 117-121). New York, USA.
 29. N.Yusupova. (2018. № 3). Specific features of family relations in islamic law. Russia and the Moslem World , 120-123.
 30. N.Yusupova. (2017. № 4 (4)). The importance of the fiqh works written in the xii century in maverannahr. American journal of Research. Social Science & Humanities. USA, Michigan , 66-77.
 31. O'.Abduqodir. (1985). At-Tashi'rul-jinoiy al-islomiy muqorinan bil-qonunil-vaz'iy. (Shariatda jinoyat qonunlarining dunyoviy qonunlar bilan qiyosiy o'rganish). Bayrut.
 32. O'lmasov A., Sharifxo'jayev M. (1995). Iqtisodiy nazariya. Toshkent: Mehnat.
 33. Oshur, A. I. (Bayrut). Al-fiqhul muyassar fil muomalat (Fuqarolik huquqi bo'yicha yengil fiqh). 1996.
 34. O'zbekiston Respublikasi Fuqarolik kodeksi. (2011). Toshkent: Adolat.
 35. O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi. (2008).
 36. O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasiga sharh. (2008). Toshkent: O'zbekiston.
 37. O'zbekiston Respublikasi Yer kodeksi . (2007). Toshkent: Adolat.
 38. Qorazoviy, Y. (1976). Yusuf Qorazoviy (Al halalu va harom fil islam). Bayrut.
 39. R.Boymirzayev. (2006). Musulmon huquqi. Ma'ruzalar matni. Huquqshunoslik fakulteti.
 40. R.Sharl. (1959). Musulmanskoye pravo. Per. s frans. S.I.Volka. Pod red. i o predisl. Y.A.Belyayeva. Moskva.
 41. Rahmankulov X.A., Rahmanov A.R. (1998). Prava cheloveka: istoriya i sovremennost. Tashkent.
 42. S.D.Tursunova. (1997). Nikoh baxtli oila kafolatidir. Sog'lom avlod uchun № 9
 43. S.I.Jabborov. (2001). Musulmon huquqi va odat normalari. Toshkent.
 44. V.V.Bartold. (1963). Bartold soch. T-IX. Moskva.
 45. Xassan, X. X. (1995). Pravo na chastnuyu sobstvennost. Islamabad.

